



ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЭТНОМАДАНИЯТ ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР

Абдужаббарова М.

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
педагогика фанлари номзоди, доцент*

Таянч сўзлар: глобаллашув, этномаданият, трансформация, ўзбек халқи, олимлар, тараққиёт, таҳлил, хулоса.

Ключевые слова: глобализация, этнокультура, трансформация, узбекское качество, учёные, развитие, анализ, вывод.

Key words: globalization, ethnoculture, transformation, Uzbek quality, scientists, development, analysis, conclusion.

Резюме:

Ушбу мақолада глобаллашув шароитида этномаданият жараёнларнинг трансформацияга учраши ҳақида ёритилган. Айниқса, ушбу масалани ўзбек халқи этномаданияти мисолида таҳлил қилинган. Шунингдек, жаҳон олимларининг бу масала юзасидан берган мулоҳазалари ҳам илмий тадқиқ қилинган. Тадқиқот юзасидан илмий хулоса ва тавсиялар берилган.

Резюме:

В данной статье описывается трансформация этнокультурных процессов в условиях глобализации. В частности, данный вопрос был проанализирован на примере этнокультуры узбекского народа. Также научно исследованы мнения мировых учёных по этому вопросу. По результатам исследования даны научное Резюме:и рекомендации.

Summary:

This article describes the transformation of ethnocultural processes in the context of globalization. In particular, this issue was analyzed on the example of the ethnoculture of the Uzbek people. Also, the opinions of world scientists on this issue have been scientifically researched. Scientific summary and recommendations are given in connection with the research.

Этномаданият, халқ анъанавий ижоди ҳозир замонавий санъат билан уйғунлашиб, модернизациялашиб, ўз навбатида халқ ижоди ҳам замонавий санъатни халққа, кўпчиликка яқин, тушунарли қилиш орқали ривожланиш йўлидан бормоқда. Шунинг учун этномаданиятни фақат узок ўтмишга тааллуқли, ўзгармайдиган санъат, ижод турлари, маросимлар, анъаналар, байрам ва томошалар деб қарамаслик, балки уни халқ ижтимоий ҳаёти билан муҳим диалектик боғлиқ, у билан бирга трансформацияга учраб, кишиларнинг



маънавий-маданий қизиқишлари ва инновациялар таъсирида модернизациялашиб келадиган воқелик сифатида қараш лозим. Аммо, этномаданиятдаги ўзак, яъни ўзбек халқига хослик мудом сақланиб қолади. Глобаллашув, яъни “... ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви” жараёнида ўзбек халқига хосликни ифода қилган халқ ижоди ва миллий томоша санъатининг баъзи намуналари турли сабабларга кўра трансформацияга учрамоқда ёки йўқолиб бормоқда.

Қадим замонлардан сабр-тоқат энг муҳим хислатлардан бири бўлиб келган. Глобаллашув жараёнида бу сўз йўқолиб бормоқда. Халқимизда “Сабрнинг таги сариқ олтин”, “сабр қилсанг ғўридин ҳолво битур”, “шошилган қиз эрга ёлчимабди”, “етти ўлчаб бир кес” каби мақолларнинг пайдо бўлиши ҳам шу билан боғлиқ. Рус этнографи ва сайёҳи Н. Ликошиннинг фикрича, пул-товар муносабатларининг ривожланиши маҳаллий халқнинг характеридаги бу хислатнига путур етказган. “Шошқолоқлик шайтонга хос”. Н. Лыкошин мусулмонларга тегишли бу иборани эслатар экан: “эндиликда улар тирикчилик илинжида тинмасдан шошадилар”, – деб маълумот берган.

Маданиятдаги трансформация аслида ундаги сифатий ўзгаришларни англатади ва у доимо давом этадиган, ҳеч қачон тўхтамайдиган жараён бўлиб XX аср тугаб XXI аср бошларида ҳам кучайди. Трансформация – киёфанинг ўзгариши бўлиб, ҳозирги ўзбек халқининг миллий маданиятига четдан кириб келаётган турли даражадаги маданий янгиликлар кўпроқ оммавий ахборот воситлари, интернет, турли товарлар ёки замонавий санъат намуналари орқали кириб келмоқда. Ушбу янги маданий жараёнлар миллий маданиятимиз ривожланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон мустақиллик эришганимиздан сўнг, ўзбек халқининг моддий маданиятида бир қанча ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, уяли алоқа телефонлар, кабел телевизорлар, интернет, кампютерлар ижтимоий ҳаётга тезлик билан кириб келди. барча соҳаларда янгича услубдаги кўринишлар ахборотлашган трансформацион ва инновацион жараёнларни кириб келганини кўрамиз.

Фанда “трансформация” (лотинча трансформация) атамаси “қайта ўзгариш”, “қайта ҳосил бўлиш” деган маъноларини беради. Бошқача сўз билан айтганда, трансформация аслида ҳужайрага ёт ДНК кириши натижасида унинг ирсий хусусиятлари ўзгаришини англатади. Бу сўз кўпроқ генетикада ишлатилса-да кейинги пайтларда у ижтимоий-гуманитар фанлар, жумладан маданиятшунослик соҳасида кўп бора ишлатилмоқда.

Халқ томоша санъати намуналарининг трансформацияга учраши, четдан кириб келиши замонавий бадий маданият таъсирининг аҳолининг ижтимоий ва кундалик турмушига кириб келиши билан боғлиқ.



Тадқиқотчи С.А.Арутюнов “Халқлар маданиятининг интеграцияси нафақат миллий ўзига хосликни асраш, балки инновацияга мойилликни кучайтиради” деб ёзган. Олим халқ маданиятларининг тенглигини кайд этса-да, “инновация” деганида аслида Ғарбона турмуш тарзига мос ўзгаришларни назарда тутган. Бу билан у халқ маданиятларида инновацияга мойил ички кучлар ҳам борлигини унутган. Р.И.Галушко Ғарб телевидениясининг халқ маданиятларига салбий таъсирини тўғри танқид қилган ва “Ғарб оммавий маданияти миллий ўзига хосликларни сийқалаштирмоқда”, деб эътироф этган. Ҳақиқатан ҳам, глобаллашув жараёнлари Ғарб оммавий маданиятини тез тарқалишига олиб келмоқда. Шу билан бирга, аммо бу жараёнда халқ томоша санъатининг намуналари бутунлай йўқолиб кетмайди. Балки халқ ўзининг тарихий меросини сақлаб қолиш мақсадида унинг “қиммати”ни ошириб боради.

Хуллас, ўзбекистонлик олимлар ҳам Глобаллашув шароитида ўзбек халқи га хос бўлган турли анъаналар ва маросимларнинг трансформацияга учраши ёки йўқолиб кетишини олдини олиш каби муаммони халқимиз маданиятини асраш ва ривожлантириш концепцияси нуктаи-назаридан тадқиқ этишлари даркор.

Адабиётлар:

1. Алмасов В., Манзаров Й. Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳа: назария ва амалиёт. Тошкент: Наврўз, 2014.
2. Арутюнов С.А. Народы и культуры. Развитие и взаимодействие. - М.: Наука, 1989 - С.212.
3. Ачилдиев А. Проблемы взаимодействия национального самосознания и национальной культуры. Ташкент, 1994.
4. Бегматов А., Бекмуродов М. Миллий менталитет ва маънавият.-Т.: 2002.
5. Газиев С., Ато Н., Раҳимов Н. Маданият марказларида барча учун таълим ва ривожланиш имкониятларини яратиш. – Тошкент: Фан ва технологиялар нашриёти, 2020.
6. Галушко Р.И. Западное телевидение и “массовая культура”. - М.: Изд-во Моск.ун-та,1991. - С.12.
7. Исмоилова Ж.Х, Нишонова К.С. Музей ва жамият. – Тошкент, 2015. – 174б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 3.
9. Курязова Д.Т. Музей иши тарихи ва назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 160б.
10. Қорахонов М. Совет Ўзбекистони маданияти. Тошкент: 1957. – 108б
11. Лыкошин Н. Результаты сближения русских с туземцами. Селения Дальян 29 июня 1903 года. – С. 6.
12. Мўминов Миллий сиёсат ва маданий соҳадаги ислохотлар. – Тошкент: Академия, 2010. – 168б.
13. Мухамедов С. Совет Ўзбекистони маданияти. – Тошкент., 1963. – 30б.
14. Нишонова К. Музей – халқ тарихининг кўзгуси. – Тошкент: Ёшлар матбуоти, 2011. – 390б.
15. Нурмухамедова М. Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 96б.
16. Раҳмонов М.Р. Ўзбек академик драма театри тарихи (1960-2000). 2- китоб. Тошкент: Фан, 2003. – 268б
17. Ҳакимов Н., Алиев Б. Маданият ва жамият.– Т.:1992.